



“ИЧАН ҚАЛЪА” ДАВЛАТ МУЗЕЙИННИГ ШАКИЛЛАНИШИ ВА УНДАГИ АМАЛИЙ САНЪАТ НАМУНАЛАРИ.

Султанова Гулчехра Озодовна

*УрДУ Тасвирий санъат ва муҳандислик
графикаси кафедраси ўқитувчиси,*

Жуманиёзова Динора Гайрат кизи

*УрДПИ Тасвирий санъат ва муҳандислик
йўналиши 1-курс талабаси*

Аннотация. Ушбу мақолада музейларнинг ёшлар тарбиясидаги аҳамияти, Хива “Ичан қалъа” давлат музей қўриқхонасининг ташкил этилиши ва унда сақлананаётган амалий санъат коллекциялари, Хоразм амалий санъат усталари, музейдаги ноёб экспонатлар тўғрисида маълумотлар берилган.

Калит сўзлар: Музей, мерос, Хива, Музей қўриқхона, тарихий обидалар, экспозиция, амалий санъат, ёғоч ўймакорлиги, эшик, устун, қулолчилик, геометрик, ислимий нақшлар

Аннотация: В данной статье приведены сведения о значении музеев в воспитании молодежи, создании Хивинского государственного музея-заповедника «Ичан Кала» и хранящихся в нем коллекциях прикладного искусства, мастерах прикладного искусства Хорезма, уникальных экспонатах в музее.

Ключевые слова: Музей, наследие, Хива, музей-заповедник, исторические памятники, экспозиция, прикладное искусство, резьба по дереву, дверь, стол, керамика, геометрические, растительные узоры.

Annotation: This article provides information about the importance of museums in the education of young people, the creation of the Khiva State Museum-Reserve "Ichon Kala" and the collections of applied art stored in it, masters of applied art of Khorezm, unique exhibits in the museum.

Key words: Museum, heritage, Khiva, museum-reserve, historical monuments, exposition, applied art, wood carving, door, pillar, ceramics, geometric, plant patterns.

Музейлар ёшларда маданий тархий ва бадиий меросимиз, умумбашарий қадриятлар, ўтмиш, илм-фан ёдгорликлари, халқимизнинг турмуш тарзи ва анъаналари, санъат асалари билан таништириш ва уларда Ватанга садоқат туйғусини юксалтишига ёрдам беради. Маънавият ва маърифат маркази бўлган музейлар ёш авлодга халқимизнинг қадимий ва бой тарихи, ўзига ҳос маданияти, истиқлол ғояларини янада теран англашга қўмаклашади. Тарихимизни чуқур билиш ва бугунги тинч-осуда, фаровон ҳаётимизнинг қадрига этишига ундейди.

Музейлар дастлаб Эвропа ибоадтхоналарида ноёб санъат асарларини ийғиши ва сақлашдан бошланган. Уйғониш даврига келиб эса санъат асарларини



йиғишнинг маълум тизими шакилланган. Уфитса, Прадо, Лувр энг қадимги музейлардан ҳисобланади.

XIX аср иккинчи ярмида Чор Россиясининг Ўрта Осиёга секин аста кириб келиши, Самарқанд, Тошкент, Фарғона каби шаҳарларда янги ва эски шаҳарлар пайдо бўлишига олиб келди. Бу шаҳарларда рус офицерлари ва уларнинг оиласлари учун турар жой бинолари, телеграф, мактаб, почта, театр ва музей учун бинолар қурила бошлади. Ўша даврда Туркистонда дастлабки музейлар пайдо бўлган.

Хоразмда XIX асрнинг охирида музей ташкил қилиш учун ҳаракат бошланган. Хива хонлигига архитектура ёдгорликларини сақлаш ва таъмирлаш ишлари қадимдан одат тусига кирган бўлса, осори-атиқаларни йиғиш ва ажойибхона ташкил қилишга XIX аср охирида Муҳаммад Раҳимхон II даврида киришилган. Бунга Хива хонлигига ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалик ва ҳунармандчилик маҳсулотлари, осори - атиқалар ҳамда архитектура ёдгорликларининг фотосуратлари Россия ва жаҳон кўргазмаларида намойиш этилиши ҳам сабаб бўлган. Чунки, 1890 йилда Тошкентда, 1895 йилда Нижний Новгородда Бутунrossия кўргазмасида, 1900 йилда Парижда, 1904 йилда Американинг Миссури штатининг Олои шаҳрида ўтган халқаро ярмаркаларда Хива хонлигидан 16 соҳа бўйича ҳар биридан учтагача ҳунармандчилик ишлари намуналари юборилган.

1898 йил 12 апрелда Муҳаммад Раҳимхон II Кўҳна Урганч, Хўжаэли ва Кўнғирот ҳокимларига қадимий буюмлар, эски тангалар ва пулларни топиб юборишини буюради. Лекин, тўпланган буюмлар Россияга юборилиши натижасида Хиванинг ўзида музей очилиши орқага сурилиб, 1920 йилдагина амалга оширилади. 1920 йил 11-апрелда Хоразм Муваққат ҳукумати вакиллари ва РСФСР ҳукумати фавқулодда вакили иштироқида бўлиб ўтган қўшма йиғилишида Хива шаҳрида “Хива халқининг ўтмиши ва ҳозирги пайтдаги маданиятига оид барча буюмларни, шунингдек, хонлик зулмининг жазо қуролларини халққа кўрсатиш ва келгуси авлодлар учун сақлаб қолишини назарда тутиб, халқ музейи ташкил этилсин” - дейилган қарори қабул қилинади. [1] Музей-кўргазма 1920 йил 27 апрел куни Бутунхоразм халқ вакиллари I қурултойи қатнашчиларининг иштироқида, эски хонлар қароргоҳи Кўҳна Арк биносининг Арзхонасида очилди.

1957 йилда Тош ҳовли саройида музей экспонатлар фонди ва Тарих музейи қолдирилиб, Бу ердаги бошқа музейбоб экспонатлар даврларга ажритиб Ичон-Қалъадан ташқарида “Хоразм тарихий инқилобий музейи” ва “Хоразм табиати” музейи номи билан Нуруллабой саройига кўчирилган.

Тарихдан маълумки, Буюк ипак йўлида жойлашган ушбу шаҳардан Хоразмлик олимларнинг асарлари ва кўпгина бадиий ҳунармандчилик намуналари дунёга тарқалган. Ушбу осори-атиқалар ҳанузгача Рим, Париж, Лондон, Копенгаген, Берлин, Истамбул, Қоҳира, Санкт-Петербург, Москва,



Тошкент ва бошқа шаҳарлардаги йирик музейлар экспозицияларини безаб турибди. XIX асрда жаҳон бўйлаб музейлар ташкил қилиниши амалиётга татбиқ қилинган бўлса, XX асрнинг иикинчи ярмидан бошлаб қадимий тарихга ва меъморий обидаларга бой бўлган шаҳарларнинг ўзини музей шаҳарлар деб аташ анъанага киритилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар кенгашининг 1969 йил 29 июль 343 сонли қарорига мувофиқ Хива Давлат тарихий меъморчилик “Ичан-қалъа” музей – қўриқхонаси ташкил қилинди. Музей қўриқхонанинг ташкил қилиниши ва ривожланишига халқ рассоми А. Болтаев, адаб ва драматург Ю. Юсупов - Айёмий, журналистлар союзи аъзолари М. Ёқубов, А. Исмогилов, Ю. Рўзметов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходимлари Т. Середа, С. Юсуповлар ўзларининг улкан ҳиссаларини қўшдилар. Бу пайтда Хивада асосан иккита катта музей фаолият кўрсатар эди. Уларнинг бири Хива хонининг Нуруллабой саройида жойлашган бўлиб, Инқилоб тарихи ва Хоразм воҳаси табиатини акс эттиришга бағишлиланган эди. Иккинчи катта музей шаҳарнинг ичкари қалъасидаги Оллоқулихоннинг Тошҳовли саройида жойлашган бўлиб, унда Тарих музейи фаолият кўрсатаётган эди.

Хива шаҳрининг ўзи музей десак адашмаймиз. Унинг экспонатлари: Қалъа девори билан ўралган тўрт дарвозали шаҳар, хонларни саройлари, масжид, мадраса, минора, мақbara ва шунга ўхшаган иморатлардир. Бу обидаларнинг ичида Хоразм халқининг минг йиллик тарихидан гувоҳлик берувчи алоҳида музейлар жойлашган. Ўзбекистоннинг энг кўҳна музейларидан бири бўлган Хива “Ичан – Қалъа” давлат музей – қўриқхонаси худудида 54 та мангуликка дахлдор тарихий меморий обидалар бор. «Ичан-Қалъа» тарихий меъморий давлат музей-қўриқхонасининг 19 та доимий экспозицияларида Хоразмнинг қадимдан бугунги кунигача бўлган тарихи акс эттирилган.

Хива “Ичан-қалъа” давлат музейида миллий маданиятимизнинг узвий қисми бўлган халқ амалий санъатининг энг ноёб ёдгорликлари сақланади.

Музей-қўриқхонанинг экспонатларини асраб авайлаш ва тарғиб қилиш борасида чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилган ва доимий равишда кўргазмалар янгиланиб, музей фондлари экспонатлар билан бойитилган. Музейдаги моддий меросни илмий жиҳатдан ўрганиш ва уни тарғиб қилиш мақсадида ишлар олиб борилмоқда. [2] Бугунги кунда давлат музей-қўриқхонасида Қадимги Хоразм бўлими, Хива хонлиги тарихи бўлими, Амалий санъат бўлими, Хоразм хунармандчилиги бўлими, Табиат бўлими, Авесто бўлими, Халқ таълими тарихи бўлими, Хоразм мусиқа санъати тарихи бўлими, Медицина тарихи бўлими, Қиёт қишлоғи тарихи бўлими фаолият юритиб келмоқда. Унда Хоразм тарихидан сўзловчи асосий ва ноёб экспонатларнинг каттагина қисми шу ердаги кўргазмалардан ўрин олган. Бундан ташқари Тасвирий санъат кўргазмаси, Хоразм Мустақиллик йилларида доимий кўргазмалари ташкил қилинган.



Ислом Хўжа мадрасасида жойлашган Хоразм амалий санъати экспозициялари “Иchan-қалъа”даги ўзига хослиги ва бебаҳолиги билан ажралиб туради. Музей экспозицияси 1983 йилда буюк аллома, математик олим Ал-Хоразмий таваллудининг 1200 йиллик юбилейига бағишилаб очилган. 1991 йилдан кейин экспозиция заллари, мустақиллик руҳида қайтадан рекспозиция қилинди.

Хоразм амалий санъати экспозициясида санъат дурдоналарининг 400 га яқин намуналари намойиш этиб келинмоқда. Намойишхоналарида сайр этар экансиз, инсон қўли билан яратган мўжизаларни, бетакрор ва нафис санъат асарларини кўриб олам-олам завқ оласиз.

Бугунги кунда музейда XIII асрдан то ҳозирги кунгача бўлган даврни қамраб олган қўли гул усталар томонидан яратилган бебаҳо амалий санъат дурдоналарини кўришга муяссар бўласиз. Хоразм амалий санъати экспозициясида халқ амалий санъатнинг 10 дан ортиқ турдаги намуналарини кўриш мумкин. Жумладан ёғоч ўймакорлиги, наққошлиқ, тўқимачилик, мармар ўймакорлиги, ганч ўймакорлиги, гиламчилик, кулолчилик, хаттотлик, мисгарлик, кандакорлик, кўнчилик, пичоқчилик, заргарлик буюмлари намойиш қилинмоқда.

Музейдаги Хоразм амалий санъати бўлимининг “Ёғоч ўймакорлиги” зали энг қадимий ва бой экспозициялари билан ажралиб туради. Бу ерда Хива халқ усталари томонидан ўйиб ишланган ўймакор устунлар, устун таги, дарвоза, лавҳ, сандиқчалар ва бошқа ёғоч ўймакорлиги буюмлари намойишга қўйилган. Хива ёғоч ўймакорлиги мактаби бошқа мактабларга қараганда ўйма нақшларнинг майдалиги, юзалиги, заминининг камлиги нақшларнинг зичлиги ҳамда бадиий тузилиши жиҳатидан ўйноқлиги (ҳаракатчанлиги, динамикавийлиги), яъни новдаларни спиралсимон ишланиб ажойиб шакллар ҳосил килиши билан фарқ қиласи.[3] Ёғоч ўймакорлиги буюмларида нақш элементларидан олма гул, қўчқоршоҳ, бодом гули, уч япроқли, уч ғунча, оддий япроқ, турунж, рапида турунж, тож, гужум, бурч гул нақшларини қўллаганликларини кўрамиз. Хива ёғоч ўймакорлиги мактаби ўзининг монументаллиги билан машҳурдир. Усталар ёғочнинг табиий кўринишини сақлашга ҳаракат қилиб янги ўйма юзасини силлиқлаш бўёқ суртиш ишларини қўлламаганлар. Ота Полвонов, Сапо Бағбековлар Хива ёғоч ўймакорлиги мактабининг энг машҳур усталариданdir.

Хоразм амалий санъати музейда ўзига жалб қиласидан экспонатлардан (КП. №1565 рақамли) қўш табакқали эшик. Эшик ўймаси – нафис, чиройли қилиб, икки қатлами “турунж” нақш композицияси ишланган, атрофларига хошия ислимий ва ўсимликсимон нақшлар ўйилган. Эшикнинг юқори қисмида, нақшлар ичida араб алифбосида, форсий шеър битилган, чап томонида эса тайёрланган иили “1256 йил хижрий” (1838й.) сана кўрсатилган.

Музейда яна кўзга ташланадиган санъат дурдоналаридан (КП.№ 4947 рақамли) XV асрда ишланган устун бўлагини (фрагмент) кўриш мумкин. У



ўзининг бадиий тузилиши ва нақшларнинг бетакрорлиги билан ажralиб туради. XVII аср бошида Хива хукумдори Араб Мухаммадхон мадраса ва масжид қурдирди (1616). Вақти келиб масжит йиқилиб кетган, иморатдан бизгача фақат устуни (КП.№1208 рақамли) қолган, Устун ёғоч ўймакорлигининг қадимий анъаналарини ўзида сақлаб қолган, бадиий композициясининг бойлиги билан ажralиб туради. Намойишга бундан ташқари меҳробсизмон панжаралар, ҳар хил от хомутлари, эгарлар қўйилган.

Экспозицияда Хиванинг машхур ёғоч ўймакорлари, наққош О. Полвонов, С.Боғбеков ва унинг ўғиллари Х. Боғбеков, А.Боғбеков, К.Сопаев, шогирдлари Д.Ибрагимов, Д.Қутлимурадовлар томонидан ишланган ёғоч ўймакорлиги буюмлари намойишга қўйилган.[4] Амалий санъат экспозициясида ёғоч ўймакорлиги намуналаридан ташқари қадимий кулолчилик санъати буюмларини ҳам кўриш мумкин.

Кулолчилик санъати Хоризмда қадимдан ривож топган. Айниқса, XII-XV асрларда Хоразмда кулолчилик яхши ривожланган, вақт ўтиши билан усталар турли туман кулолчилик буюмларини ясашдан ташқари қурилган биноларнинг деворларини безашда ишлатиладиган кошинпазлик санъати ҳам ривожлана бошлади. XIX асрга келиб кулолчилик соҳаси юксак босқичларга кўтарилди, бу санъат билан шуғулланган усталар: Абдулла Жин, Болта Ваисов, Эшмуҳаммад Худайберган ўғли ишлари юксак олқишлиарга сазовордир. Уларнинг ишлаган ишлари ҳозирги вақтгacha Хива меъморий ёдгорликларнинг деворларида сақланиб келмоқда.² Хоразм амалий санъат музей экспозициясида XIX- XX асрларда ишланган хумлар, шакаша, ибриқ ва кулолчилик буюмлари кенг ўрин олган. Хум ва хумчалар ғалла ва дон маҳсулотларини сақлаш, вино тайёрлаш ва сақлашда ишлатилган бўлса, кўза ва кўзачалар - сут, қатиқ маҳсулотлари, сув солиш учун хизмат қилган. Бадиялар (товоқ) бошқа вилоят товоқларидан анча фарқ қилиб уларнинг шакли катта ва чуқур бўлиб, унинг тепа қисми ён деворлари тик чиқарилганлиги билан аҳамиятлидир. Кулолчилик буюларини безатишда ишлатилган нақшларига эътибор берадиган бўлсак, асосан, геометрик ва ўсимликсизон нақшлар қўлланилган. Нақш элеметларидан: тароқ, илонизи, илмоқ, шохгул, кўз нақш, ҳошия найзагул, қарғатиш, япроқгул, бодомбарг, юлдузгул, кошингул, илонбоши, кўзагул, рамзий нақшлардан: милтиқ, пичноқ, дуторлар тасвирларини кўриш мумкин. Усталар ишлаган буюмларида нақшлар ичига халқ насиҳатлари, буюк алломаларнинг сўzlари ва шеърлар ёзиб қолдирганлар.

Биз амалий санъат экспозицияларини томоша қиласиз, қадимдан халқимиз бой тарихий меросга эга эканлигини, амалий санъатимиз қанчалик ривож топганлигига амин бўламиз. Ўша давр санъати, уста-хунармандлари, отабоболаримиз уй-рӯзғорда, уйларни безатишда, кийинишда ишлатган буюмлари ҳақида маълумотларга эга бўламиз. Миллий кийимларда, гиламдўзлик,



заргарлик, кандакорлик, заргарлик каби турларида миллий анъаналар яққол кўзга ташланади.

Музейдаги амалий санъат намуналарини нафақат юртимиз саёҳатчилари балки турли хорижий давлатлардан келган сайёҳлар ҳам қизиқиш билан тамоша қилмоқдалар. Бугунги кунда ташкил этилган ва этилаётган қўплаб янги музейлар ёш авлодни тарихимиз, моддий ва маданий меросимизни нақадар чуқур илдизга эгалигини сингдирган ҳолда, уларни Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғулари билан тарбиялашга хизмат қилмоқда.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. «Иchan-қalъa» давлат музей-қўриқхонаси тўплами. «SILK ROAD MEDIA» • «EAST STAR MEDIA» -Т. 2021.
2. “Иchan-қalъa” давлат музей-қўриқхонаси фонди хужжатлари.
3. С.Булатов.Ўзбекистон халқ амалий безак санъати.Т.1991
4. Г.Султанова.“Хива “Иchan қalъa” давлат музей қўриқхонасининг шакилланиши ва унда сақланаётган амалий санъат коллекциялари. Камолиддин Беҳзод номидаги миллий рассомлик ва дизайн институти ахборотномаси 2021 йил 3-сон.